*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*

*Высшее благо медицины — здоровье*

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash

# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 6-12 февраль № 5 (521) Сешанба кунлари чиқади

*Ҳайъат йиғилиши*

## ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР

***Жорий йилнинг 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида вазирликнинг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, ўтган 2006 йилда республика тиббиёт тизимида олиб борилган фаолиятлар тўғрисида ҳамда амалга оширилган ижобий ишлар, шунингдек, муаммо ва камчиликлар хусусида тўхталиб, 2007 йилда тиббиёт тизими олдида турган мақсад ва вазифалар ҳақида сўз юритди.

Йиғилишнинг кун тартибида асосан учта масала кўрилди.

Биринчи масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида мустақиллик йиллари даврида олиб борилган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар ва келгусидаги режалар хусусида маъруза қилиб, ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида тизимда ибратли ишлар ўз ифодасини топганлигини гапириб ўтди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомиддин Камилов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида ўз фикрларини айтиб, бу борада муҳим ишлар қилинганлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» бўлими бошлиғи Жумабек Нуров сўзга чиқиб, жамғарманинг 2006 йил мобайнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича маълумот бериб ўтди.

Йиғилиш сўнггида кун тартибида кўрилган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**И. ЖЎРАЕВА.**




**СУРАТДА:** *Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли Чилонзор тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги болалар ногиронлигининг олдини олиш ва соғломлаштириш маркази мутахассислари шаҳардаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан навбатдаги машғулот пайтида.*

*Кун мавзусида: журналист таҳлили*

## БЕМОР ҚАЛБИГА ДАРЗ КЕТМАСИН

**Унутмагин шифокор: ширин сўзинг даводир**
**Чеҳрангдаги табассум, кулган кўзинг даводир.**
**Хуш бир калом, шаксиз, беморга бахт этар жон,**
**Хуршид каби мунаввар гулгун юзинг даводир.**

Азизлар, биз мазкур мақоламизни бежизга ушбу тўртлик билан бошламадик.

Чунки, бир оғиз ширин сўз тушкунликка тушган ҳар қандай инсоннинг руҳиятини кўтарйб, унга ҳаёт бахш этади. Шунинг учун ҳам ширин сўз қудрати ҳаёт билан тенгдир, деб бежизга айтилмаган. Дарвоқе, тўртликнинг илк сатридаги ширин сўзнинг давоси деган ибора тиббиёт ходимларининг касбга муносабати, ахлоқ-одоби, шунингдек, шифокор ва беморлар орасидаги турли муносабатларнинг асл моҳияти бўлиб, бу тиббиётимиз тилида деонтология деб юритилади.

Сиз ҳам юқоридаги фикрларимиздан англаб етдингизки, бугунги мулоҳазамиз тиббиёт деонтологияси тўғрисида боради.

Тиббиёт деонтологияси тиббиёт ходимининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, бу фан шифокорлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари учун маънавий-мафкуравий дастуриламалдир.

**Тиббиёт деонтологияси кенг фалсафий тушунча ҳамда бир қанча йўналишлардан иборат:**

*– шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат;*

*– шифокор билан беморнинг яқин кишилари (қариндошлари, дўстлари, ҳамкасблари) орасидаги муносабат;*

*– шифокорларнинг ҳамкасблари, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабати;*

*– шифокор ва беморнинг даволаш жараёнидаги ҳуқуқлари;*

*– устоз ва шогирд муносабатлари;*

*– шифокор фаолиятидаги хато камчиликлар ва бошқалар.*

Зеро, тиббиёт деонтологияси тиббиёт ходимларида юксак инсониий фазилатлар мужассамлигини ифода эта олиши керак. Айниқса, улардаги билимдонлик, меҳр-шафқат, камтарлик, одамийлик, ҳалоллик, покизалик, инсофлилик, зийраклик, ҳозиржавоблик, хушмуомалалик, босиқлик ҳамда изланувчанлик каби муҳим жиҳатларнинг борлиги юқоридаги йўналишларда ўз исботини топиши ва амалиётда кенг қўлланиши муҳимдир.

Республикамиз тиббиёт тизимида 75000 нафардан зиёд шифокорлар ва 256000 нафардан ортиқ ҳамширалар меҳнат қилишади. Тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, улар меҳнати ниҳоятда машаққатли, масъулиятли, аммо шарафлидир. Чунки, улар ҳар бир инсонни ўлим чангалидан сақлаб, дардли қалбларига нажот бахш этишади. Ҳатто, буюк алломалардан бири Аз-Замахшарий: «Хасталик... шундай балоки, ҳатто ичимликдан кўра ҳам аччиқроқдир», деган экан. Мана шундай «бало»дан сўзсиз шифокор халос этади. Шундай экан, ҳар бир шифокор беморни алоҳида, кўтаринки кайфият билан қабул қилмоғи, яхши мулоқотда бўлмоғи ва ниҳоят тузатмоғи лозимдир.

Биз бу хусусда кўп гапиришимиз мумкин. Келинг яхшиси асосий муддаога ўтайлик. Гап тиббиёт ходимларининг муомала маданияти ҳақида кетар экан, ўтган йили таҳририятимизга республикамизнинг турли жабҳаларидан келган миннатдорчилик мактубларига эътибор берайлик. Уларда тиббиёт ходимларининг ажойиб фазилатлари, муомала-маданияти ва кўрсатган тиббий ёрдамлари эътироф билан тилга олинган.

**Эътиборингизни таҳририятимизга келган мактубга қаратайлик**

Бир шифокор онамдан онколог билан маслаҳатлашиб келишларини илтимос қилди. Онам ҳафта, ой ўтса ҳамки онкологияга боришни галга солдилар. Биз фарзандлар ҳам безовтамиз. Лекин қачонгача индамай ичимизни кемириб юрамиз. Айтолмаймизки, юринг она, бориб текширтириб келайлик, деб. Борсак-да, онангиз жиддий касал десачи..? Хуллас, мен бир куни озгина жаҳл қилгандек бўлдим: «Сиз неча ҳафтадан бери кеча-кундуз ухламай, шуни ўйлаб юрибсиз. Биз ҳам шунинг ташвишдамиз. Менимча, тезроқ борганимиз маъқул. Кўнглим сезаяпти, сиз соппа-соғсиз. Қанча тез борсак, у ердаги врачларнинг ҳам шу

**(Давоми 2-бетда).**

## Тайинлов

**ҲУСЕНОВ Мейликул Ўткирович** – Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи

**МУСТАФАЕВ Хайрулло Муртазаевич** – Вирусология илмий текшириш институтининг фан бўйича директор ўринбосари

**ҚОРИЕВ Ғайрат Маратович** – Республика Нейрохирургия илмий марказининг директори этиб тайинландилар.

*«Физиотерапия ва тиббий соғломлаштириш илмий текшириш институти» «Терапия ва тиббий соғломлаштириш илмий текшириш институти» деб ўзгартирилди – институт директори* ***АЛЯВИ Анис Лютфуллаевич.***

*Дил изҳори*

## ТИЛАГИМИЗ ИЖОБАТ БЎЛСИН

Президентимиз ўтган йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилган эди. Шу ўринда республика тиббиёт тизимида кўплаб самарали ишлар амалга оширилди ва аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифати ҳам ижобий томонга ўзгариб, уларнинг кенг қатламига ҳомийлар ва шифокорлар томонидан катта ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ўтган йили биз бир гуруҳ қариялар Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган Республика «Уруш ва меҳнат фахрийлари Олтиариқ сиҳатгоҳи»да даволаниб, соғлигимизни тиклаб қайтдик. Ушбу дил изҳорини айни кунда ёзишимиздан асосий мақсад, Юртбошимиз ўтган йилимизнинг мантиқий давоми қилиб 2007 йилни – Ижтимоий ҳимоя йили деб атагани бежизга эмас. Куни кеча матбуотда эълон қилинган Давлат дастури тўғрисидаги Президент қарорининг биринчи бандида таъкидланганидек, фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш масаласи қўйилгани биздек қарияларга бўлган эътибор ва ғамхўрликдир. Зеро, мазкур Олтиариқ сиҳатгоҳида даволаниб қайтар эканмиз, у ердаги яратилган шароит ва имкониятлар, фаолият кўрсатаётган ходимларнинг беминнат хизматларидан ғоятда мамнун бўлдик. Муассасанинг тажрибали раҳбари Шоҳсанамхон ҳамда бир-бириданилмли, муомалали, самимий, меҳрибон шифокорлардан Азизбек, Гулнорахон, Илҳомжон, Ҳакимжон, Мамлакатхон, Асқарали ва Соттижон ака Мадаминов ҳамда уқаловчи ҳамшира Насибахон, шунингдек, қабулхона мудираси, пазанда ошпазлар-у барча ходимларнинг илтифотларидан бошимиз кўкка етди. Биз уларнинг меҳнатини эътироф этиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларига ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида севимли газетамиз орқали сиҳатгоҳ раҳбари Шоҳсанамхон бошчилигидаги жамоа ходимларига мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, савобли ишларида омад тилаб қоламиз.

**Бир гуруҳ фахрийлар номидан: тошкентлик Муҳаррамхон АЛИМОВА, фарғоналик Қодиржон ҚОСИМОВ ва наманганлик Юлдузхон КАМОЛОВА.**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73**

## *Соғлигингизга бефарқ бўлманг*



***Таъкидлаш жоизки, ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида республика тиббиёт тизимида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, тиббиёт иншоотларининг янгидан барпо этилиши, айрим муассасаларнинг қайтадан таъмирланиши ва замон талаблари даражасидаги технологиялар билан жиҳозланиши халқ манфаати йўлида қилинган савобли ишлардан бири эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Дарҳақиқат, ўтган йилнинг мантиқий давоми сифатида 2007 йил Президентимиз томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши аҳоли саломатлигига бўлган ғамхўрликнинг яна бир ифодаси эканлигига амин бўлдик. Бинобарин, Давлат дастурида тилга олинган барча бандларда инсон саломатлиги кенг қамраб олинган. Дарҳақиқат, бундай мақсадни чуқур тушуниб етган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида ҳам жорий йил фаолиятлари бошлаб юборилди. Шу жумладан, Республика онкология илмий Марказида олиб борилаётган ишлар ҳам бундан мустасно эмас.***

***Мухбиримиз ушбу Марказда бўлиб, у ердаги фаолиятлар билан танишиб, Республика онкология илмий Маркази директори, профессор Саримбек Наврўзович Наврўзов билан суҳбатда бўлди.***

# ЭРТА ТАШҲИС: ДАВОЛАШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

**– Саримбек Наврўзович, Марказдаги фаолиятлар хусусида тўхталсангиз.**

– Аввало тиббиётнинг серқирралигига тан бермай иложимиз йўқ. Назаримда, соҳалар ичида энг мураккаби тиббиёт, лекин аслини олганда ҳар бир соҳа бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган. Тиббиётнинг мураккаблиги шундаки, инсон учун бебаҳо



бўлган саломатлик бу жамият тараққиёти учун муҳим омилдир. Инсон дунёга келганидан то умрининг охиригача тиббиётга ёндошиб келади. Шу боис, соҳа мутахассислари фаолиятлари давомида мукаммал тарзда фақат инсон саломатлиги йўлида меҳнат қилишади. Серқирра тиббиётнинг йўналиши шу қадар кўпки, соҳа вакиллари доимий изланишда бўлиб, касбий маҳоратларини оширган ҳолда етук мутахассис даражасига етишадилар. Шу жумладан, онкология йўналишида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг меҳнати ҳам осон эмас. Чунки, бу йўналишда ҳар қандай вазият юзага келиши мумкин. Бунинг учун мутахассисдан сабр-тоқат, ирода, матонат ва бардошлик талаб қилинади. Фаолиятимиз тўғрисида тўхталадиган бўлсам, Марказимиз, Ўзбекистонда онкология бўйича етакчи муассаса бўлиб, республика онкологлари ишларини координациялаштириш, методик ёрдам бериш, онкология соҳасидаги янгиликларни жойлардаги шифокор-онкологларга етказиш, уни амалиётга татбиқ этиш, назорат қилиш ва ниҳоят, жойларга етук мутахассислар етиштириб бериш каби вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши муносабати билан тиббиётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар бўлди. Янги ислоҳотлар амалга ошди. Шу билан бир қаторда онкологияни ривожлантириш, касалликнинг олдини олиш, беморларни даволашда энг илғор технологияларни қўллаш имконияти яратилди. Шунингдек, вилоятлардаги онкологик диспансерларнинг ишчи тизимли назоратга олинди, уларга юқори малакали мутахассислардан кураторлар тайинланди, ҳар йили онкология соҳаси бўйича илмий-амалий конференциялар ўтказилиб ходимларнинг доимий равишда малакаларини, билим савияларини ошириб бориш ишлари тўғри йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, вилоятларнинг онкологик диспансерларига рентген, маммография ва эндоскопия аппаратлари олиб берилди. Шунингдек, мазкур диспансерларга тажрибали ходимларни жалб қилган ҳолда аҳоли ўртасида скрининг текширувлари амалга оширилди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда онкологик касалларга қимматбаҳо, замонавий дори-дармонларни етказиб бериш, шунингдек, янги асбоб-ускуналарда даволаш-ташҳис қўйиш ишларини олиб бориш имконияти яратилди. Чет элларда олимларимиз ва амалий шифокорларимизни тажриба алмашинуви учун ҳам барча имкониятлар мавжуд. Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Марказ ходимларидан бир гуруҳига давлатимиз томонидан орден ва медаллар тақдим этилди.

**– Марказ фаолиятида кадрлар масаласи асосий ўринда туради. Улар фаолиятига бўлган эътибор қандай?**

– Айни кунда Ўзбекистонда онкология соҳасидаги ишларнинг самарали олиб борилаётганлиги туфайли республика онкологлари ўз касбий маҳоратлари бўйича тинимсиз иш олиб бормоқдалар. Бунга мисол қилиб, республика онкологларининг Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари орасида тутган мавқеини инобатга оладиган бўлсак, 2006 йилнинг кузида Бокуда бўлиб ўтган МДҲ онкологлари Ассоциациясининг IV конгрессида Ўзбекистон онкологларининг илмий-амалий ишлари юқори баҳоларга сазовор бўлди. Ва V конгрессни Ўзбекистонда ўтказиш бир овоздан қабул қилинди. Бу биринчидан бизнинг олимларга, ходимларга кўрсатилган катта ишонч бўлса, иккинчидан Ўзбекистон онкологларининг Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари онкологлари орасида тутган салобатли ўрнини билдиради. Шу ўринда Ҳамдўстлик Давлатлари онкологик Марказлари статистик маълумотларни қиёсий таққослашни амалга оширганлигини айтиб ўтишим жоиз. Бундан ташқари, ўзбек олимлари АҚШ, Германия, Франция, Голландия, Туркия ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда фаол иштирок этиб, ўз маърузалари билан чиқишди. Ходимларимиз Чехия, Миср



Араб Республикаси, Жанубий Корея, Хитой, Руминия, Россия давлатларида тизимли равишда малакалари ва билим савияларини ошириб келмоқдалар.

Шунингдек, Марказимиз мутахассислари кенг кўламда илмий ишлар олиб боришмоқда. Айниқса, саратон касаллигини эрта аниқлаш, қизилўнгач-ўпка, ошқозон-ичак, йўғон ичак саратонини даволаш борасида чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда Марказимиз олимлари 2006 йилда еттита грантни қўлга киритишди. Таъкидламоқчиманки, илмий изланишларга давлат томонидан катта маблағ ажратилди. Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг махсус тиббий журналларида ходимларимизнинг юздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилди. Фахр билан айтишим мумкинки, ёш мутахассисларимизнинг фанга бўлган қизиқишлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва ёш кадрларни тайёрлаш Марказ раҳбариятининг асосий вазифаларидан биридир. Муассасамизда клиник ординатура, магистратура, аспирантура орқали етук билимга эга бўлган мутахассислар давлатимизнинг барча вилоятларидаги диспансерларда фаолият кўрсатиш учун тайёрланмоқда. Ҳар йили 25-30 нафар ёшлар онкология мутахассислиги бўйича сертификатлар олишмоқда. Ундан ташқари ёш мутахассисларимизни дунёнинг етук онкологик Марказларида бўлиб тажрибаларини бойитиш ва билим савиясини ошириш мақсадида муассасамизда чет тили курсларини ташкил этганмиз.

**– Беморлар учун қандай шароит ва имкониятлар яратилмоқда.**

Ўтган йилда ҳомийлар томонидан муассасамиз тўла таъмирдан чиқарилди. Беморлар ва ходимлар учун керакли шароитлар яратилди. Онкологик касалликка чалинган беморлар энг оғир ҳисобланиб, уларни даволаш учун фақат дори-дармон эмас, балки, ширин сўз, шифокорлик этикаси талаб қилинади. Бир йил давомида масканда ўртача 7000 дан ортиқ касаллар даволаниб кетадилар. Уларни янада яхшироқ даво топишлари учун бўлимлардаги шароитлар яхшиланиб, барча дори-дармонлар билан таъминлаш амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, мурожаат қилиб келувчилар учун поликлиникамиз, лабораториялар ва малакали мутахассисларимиз мунтазам равишда хизмат кўрсатиб келмоқда. Беморларимизнинг кўпчилиги имтиёзли равишда даволанадилар. Мазкур йилда ҳам даволанувчилар учун янада яхши шароитларни яратишни режалаштирганмиз. Истардимки, ҳар бир инсон ўз соғлиги учун вақтида қайғуриб, керакли мутахассисга мурожаат қилса, ҳар қандай касалликнинг олди олинади.

**– Келгуси режаларингиз қандай?**

– Муассасамиз етакчи сифатида Ўзбекистон бўйлаб саратон касалликларини эрта



ташҳислаш ишларини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган экан, бу муаммо барча етук мамлакатлар шифокорлари олдида турган вазифадир. Шу боис, биз ўзбекистонлик онкологлар ҳам бу борада тинмай меҳнат қилиш ва изланишлар олиб боришни асосий мақсадимиз деб биламиз. Ҳозирги кунда бизни ташвишга солаётган, яъни Ўзбекистон миқёсида кўпайиб бораётган сут бези ва ошқозон саратонининг олдини олиш бўйича маълум режаларни туздик. Иш жойлардаги умумий амалиёт шифокорлари ва бошқа тиббиёт мутахассислари билан биргаликда иш олиб бориб, онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш ишларини амалга ошириш ҳам эътиборимизда. Ҳозирги кунда Марказимизда анъанавий даволаш, ташҳислаш сифати ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу сабабли муассасамизга даволаниш учун Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон ва бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мурожаат қилишади. Уларга барча замонавий ташҳислаш ва даволаш муолажаларини ўтказиб, керакли ёрдам бериб келмоқдамиз.

**Суҳбатдош:**
**Намоз ТОЛИПОВ.**
**СУРАТЛАРДА:** *Марказ фаолиятидан лавҳалар.*
**Суратлар муаллифи:**
**Асен НУРАТДИНОВ.**

# Спрашиваете – Отвечаем

**_В редакцию газеты «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» поступает большое количество писем от наших читателей. В своих письмах они просят нас подробно проинформировать о различных болезнях и способах их профилактики. Уважаемый читатель, надеемся, что из нашей рубрики «Спрашиваете – отвечаем» вы найдете ответы на все интересующие вас вопросы._**

**«Каковы факторы риска РМЖ?**

**Г. САЛИМОВА, инженер. Бухарская область».**

У любой женщины может развиваться РМЖ, но следующие факторы повышают риск:

* Возраст лет и выше.
* Наличие мутации в генах, таких как BRCA1 и BRCA2.
* Наследственность.
* Ожирение

Имеет значение также следующее: чаще у некоторых женщин раннее начало менструации (раньше 12 лет); поздняя менопауза ; поздние роды первого ребенка или отсутствие беременности; отказ от кормления грудью ребенка, или такие заболевания как эндометриоз, рак яичников или толстой кишки. Некоторые из этих факторов трудно контролировать. Но вы можете способствовать снижению риска возникновения болезни, например, следя за своим весом.

**«Если рак молочной железы был у родственников, какова вероятность того, что этой болезнью заболеть могу я сама?**

**С. НАБИЕВА, кассир. Андижанская область».**

Наследственность может и является фактором риска возникновения РМЖ, но это еще не очевидный факт, который может явиться причиной обязательного развития болезни. Показано, что только 5-10% случаев возникновения РМЖ были обусловлены именно генетическими факторами.

**«Действительно ли ранняя диагностика РМЖ может спасти жизнь?**

**А. КАМИЛОВА, преподаватель. Сурхандарьинская область».**

Самообследование молочных желез играет важную роль в своевременной диагностике развития РМЖ. При проведении самостоятельного обследования и при подозрении на развитие РМЖ, каждой женщине необходимо обратиться к специалисту.

* Если вам более 20 лет, проводите самообследование через неделю после менструации.

* Если у вас отсутствует менструация (менопауза или др.) проводите самообследование каждый месяц в один и тот же день.

* Если вы обнаружили что-то необъяснимое в ткани молочной железы, обратитесь к врачу.

Симптомы, на которые необходимо обратить внимание:

* Уплотнение в ткани МЖ.
* Боли в МЖ.
* Изменения на коже («лимонная корка»).
* Изменение цвета и текстуры кожи.
* Изменение формы груди.
* Покраснения или ощущение жара в молочной железе.
* Изменение соска (втянутость, изменение кожи над или около соска).

Помните, что при клиническом исследовании врачи используют необходимый набор клинико-диагностических методов (в.т.ч. и инструментальный).

Клиническое обследование молочных желез в возрасте от 20 до 39 лет, необходимо проводить 1 раз в 3 года.

После 40 лет, обследование должно проводиться ежегодно.

***На вопросы читателей ответили специалисты Республиканского онкологического научного центра.***

***Я, постоянный читатель газеты «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» А. Ларионов из Кашкадарьинской области. Из каждого номера этой газеты я извлекаю массу новостей информации в мире медицины. В предыдущем номере издания была опубликована статья «Кровь на службе здоровья». Мне бы хотелось подробнее ознакомиться с информацией о донорстве в нашей Республике.***

## ИНФОРМАЦИЯ ДЛЯ ДОНОРА

**Почему люди должны сдавать кровь?**

Безопасная кровь - спасает жизнь. Донорскую кровь переливают роженицам во время родов, при осложнениях (преждевременное кровоизлияние или отслойка плаценты), детям с анемией, жертвам несчастных случаев, при хирургических операциях, больным с онкологическими заболеваниями и больным с заболеваниями системы крови (лейкоз, апластическая анемия и гемофилия). На сегодняшний день существует постоянная потребность в донорской крови. Регулярная сдача крови здоровыми людьми гарантирует, что донорская кровь всегда будет доступна и будет в достатке. Кровь - самый драгоценный подарок, который может сделать каждый из нас для нуждающихся. Это самый благородный поступок - спасти жизнь. Сдав кровь, Вы можете спасти жизнь одного или даже нескольких больных и пострадавших!

**Что происходит, когда Вы сдаете кровь?**

Независимо от того, сдаете ли Вы кровь в первый раз или являетесь регулярным донором, работник службы крови должен проверить Вашу кровь на безопасность. Прежде чем Вы сдадите кровь, Вам зададут некоторые вопросы о Вашем здоровье и образе жизни. Эти вопросы будут задавать только с целью Вашей собственной безопасности и безопасности больного, получающего Вашу кровь (ст. 18, Закона Республики Узбекистан «О донорстве крови и ее компонентов»). Вас спросят о том, имеете ли Вы право сдавать кровь и в состоянии ли это сделать. Любая личная информация является конфиденциальной, и не будет распространяться. Вся кровь проверяется на инфекции, которые впоследствии могут быть переданы с переливанием крови, это: ВИЧ (СПИД), гепатит (В, С) и сифилис. А также определяется группа крови и резус-фактор. После ответов на вопросы, Вам предложат пройти медицинский осмотр. У Вас возьмут анализ крови из кончика пальца для определения уровня гемоглобина. Процедура сдачи крови проста и удобна. Вы сядете в специальное кресло. Область локтевой вены будет продезинфицирована прежде, чем работник службы крови вставит иглу в Вашу вену. Сдача крови занимает примерно 15 минут.

После сдачи крови Вам рекомендуется передохнуть в течение 10-15 минут. Вам предложат выпить сладкого чая, соки или напитки, после чего Вы можете возвратиться к Вашим нормальным повседневным делам, единственное, Вы должны воздержаться от напряженных физических нагрузок в течение оставшегося дня. Вы должны пить большое количество жидкости в последующие 24 часа.

**Сколько крови будет взято?**

При сдаче крови у Вас возьмут от 200 до 400 миллилитров крови (физиологическая доза) и 20 миллилитров крови для лабораторного обследования (ст. 19, Закона Республики Узбекистан «О донорстве крови и ее компонентов»), это меньше чем одна десятая часть Вашего полного объема крови (средний взрослый человек имеет 4,5-5 литров крови).

Ваш организм полностью восстановит сдаваемую кровь приблизительно в течение 36 часов.

**Действительно ли это безопасно?**

Да. Но помните, Вы только тогда сможете быть донором крови, если Ваша кровь является безопасной для применения. Ваше здоровье очень важно для службы крови (ст. 6, Закона Республики Узбекистан «О донорстве крови и ее компонентов»). При сдаче крови используются одноразовые медицинские изделия. Сдаваемая Вами кровь собирается в одноразовый пластиковый пакет, который не может многократно использоваться. Таким образом, процесс сдачи крови абсолютно безопасен и для Вас, и для больного.

**А это больно?**

Нет, процесс сдачи крови безболезненный. Все, что Вы можете почувствовать - это только небольшое давление, и никакой боли. Сдачи крови безболезненная процедура и любой дискомфорт или проблема, возникшая во время сдачи крови или после того, является очень редкой.

**Кто может сдавать кровь, и как часто?**

Прежде всего, человек изъявивший желание сдать кровь, должен быть здоров. В Узбекистане донором может стать каждый, достигший восемнадцатилетнего возраста (ст. 9, Закона Республики Узбекистан «О донорстве крови и ее компонентов»). Взрослые люди могут сдавать кровь регулярно, 2-4 раза в год.

**Когда Вы не должны сдавать кровь?**

Вы не должны сдавать кровь, если этим самым можете навредить своему здоровью.

Служба крови должна гарантировать, что сдача крови будет безопасной (ст. 17, Закона Республики Узбекистан «О донорстве крови и ее компонентов»).

Вы не должны сдавать кровь если:

* Вы плохо себя чувствуете;
* Вы беременны или Вы кормящая мать;
* Вам не позволяет Ваше состояние здоровья (низкое кровяное давление, диабет, эпилепсия, менструальный цикл);
* на момент сдачи крови Вы принимаете лекарственные препараты. Но в этом случае, Вы сможете сдать кровь после выздоровления;
* Вы когда-либо принимали наркотики или наркотические препараты.

**Кто такие «безвозмездные доноры»?**

Безвозмездные доноры - это люди, которые сдают кровь, плазму или другие компоненты крови добровольно, не получая за это какое-либо вознаграждение ни в денежной, ни в натуральной форме.

**Рекомендации донору:**

* старайтесь регулярно и сбалансировано питаться, накануне сдачи соблюдайте специальную диету;
* употребляйте повышенное количество жидкости;
* воздержитесь от употребления алкоголя за 48 часов до процедуры;
* воздержитесь от употребления аспирина, анальгина и лекарств, содержащих аспирин и анальгетики, за 72 часа до процедуры;
* по возможности, воздержитесь от курения за час до процедуры;
* перед сдачей крови обязательно выспитесь!

**Как питаться перед сдачей крови:**

* за двое суток до сдачи не употребляйте спиртные напитки;
* накануне сдачи крови исключите из рациона жирное, жареное, острое, копченое, молочные продукты, яйца, масло;
* рекомендуемая диета - сладкий час, варенье, хлеб, сухари, сушки, отварные крупы, макароны на воде без масла, соки, морсы, компоты, минеральная вода, овощи, фрукты (кроме бананов).

**И. ЯХОНТОВА, исполняющая обязанности главного врача ФПК при НИИ ГиПК.**

**• ЯНГИЛИКЛАР • НОВОСТИ • ЯНГИЛИКЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • НОВОСТИ • ЯНГИЛИКЛАР •**

## ПРОТИВ ПТИЧЬЕВА ГРИППА



***За истекший год Индонезия добилась существенных успехов в борьбе с птичьим гриппом, однако проблема еще стоит остро.***

Об этом заявил в Джакарте министр-координатор по вопросам общественного благосостояния Абуризал Бакри (Aburizal Bakrie), выступая на церемонии передачи в дар индонезийской стороне послом США Линном Паско (Lynn Pascoe) более чем ста тысяч личных защитных комплектов для работников национальных программ по борьбе с опасным вирусом.

Несмотря на просьбу правительства Индонезии к руководству трех провинций страны, где наблюдалось максимальное число случаев заражения людей вирусом птичьего гриппа, ввести полный запрет на разведение домашней птицы, пока что это сделано только в Особом столичном округе Джакарта, подчеркнул министр.

– Наша страна переживает эру демократизации и децентрализации, и данный вопрос находится в компетенции местных властей, а центральное правительство лишь координирует, направляет и просит их принять соответствующие меры, - пояснил он ранее РИА Новости.

– В соответствии с индонезийским законодательством, мы просто не имеем права действовать напрямую - даже в случае начала эпидемии, - отметил Бакри.



Между тем, за последние 16 дней в Индонезии зарегистрировано уже шесть смертей заразившихся птичьим гриппом.

**Из материалов интернета.**

*Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги олдидан*

# ТИББИЁТ РАВНАҚИНИНГ МУТАФАККИРИ

***Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бизга қолдирган бой маънавий мероси билан нафақат Шарқда, балки Ғарб адабиётида ҳам ўчмас из қолдирди.***

***Навоий бутун фаолияти ва ижодини инсонларнинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. Жумладан, тиббиёт илми назариётларида ҳам озми-кўпми меҳнат қилганини фахр билан тилга олиш мумкин.***

Шунинг учун улуғ шоир ҳар соҳада қалам тебратганлиги боис уни қомусий олим ва етук адабиётшунос сифатида доим ардоқлаб, эъзозлаймиз. Навоий адабий-танқидий, илмий, ижтимоий-сиёсий, муҳаббат мавзуларида асарлар ёзган. Тарихчиларнинг ёзишича, у бадиий адабиётдан ташқари мантиқ (логика), фалсафа, риёзиёт (математика), қолаверса тиббиёт илми билан ҳам чуқур шуғулланган.

Агарда буюк мутафаккир ижодини кузатадиган бўлсак, унинг раҳнамолигида жуда кўплаб иншоотлар, боғлар, кўприклар бунёд этилганлигини кўрамиз. Бу ҳақда Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида ҳам келтирилган. Шулардан бири «Шифоия» шифохонасининг халқ эҳтиёжи учун барпо этилганлигидир. Бу масканда талабаларга етук олимлар, жумладан тиббиёт дарғаси Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин ва бошқа табиблар томонидан тиббиёт илми бўйича етарли сабоқлар бериб борилган. Ундан ташқари, ушбу даргоҳнинг ёнгинасида «Ихлосия» ва «Халосия» хонақоҳлари қад ростлаган бўлиб, бу ҳақда Хондамир шундай фикр юритади: «Халосияда мусофир ва қашшоқ кишиларга овқат берилар, ҳар йили 2000 га яқин кийим-кечак ва бошқа зарурий нарсалар ёрдам сифатида улашилган».

Навоийнинг тиббиёт ва табиблар ҳақидаги фикрлари унинг сўнгги йирик асари «Маҳбуб ул-қулуб»да ёзилган. Асарнинг махсус бир бўлими тиббиётга бағишланган. Навоий ушбу муқаддимасида табибнинг қандай бўлиши кераклиги, унинг яхши ва ёмон фазилатлари тўғрисида кенгроқ тўхталиб ўтади. Ўз касбининг моҳир устаси бўлган билимдон, меҳрибон ва хушмуомала табибларни мақтаб, уларни беморларни ҳаётга қайтарувчи ва жон бахш этувчи нажоткорга қиёс этади. Шунингдек, Навоий табиблик касбига қобилияти бор кишигина бу касбни эгаллаши лозим, дея айтиб ўтади. Табиб мулойим сўзли бемор кўнглини кўтарувчи, андишали ва хушфеъл киши бўлиши кераклигини уқтиради. Халқимизда: «Бемор кишининг кўнгли яримта», деган нақл бор. Ҳақиқатан, бемор киши касаллик азобларидан, сурункали оғриқлардан қийналиб, одамларнинг меҳрига муҳтож бўлиб қолади. Ёнидаги кишилардан, шифокору ҳамширалардан бир оғиз илиқ сўз кутади. Шифокор беморга нисбатан хушмуомала бўлса, унинг дарди енгиллашади. Соғайиши, ҳаётга ва яшашга бўлган умиди ошади. Демак, бемор билан табиб орасидаги узвий боғлиқликка Навоий муҳим эътибор қаратади ва қуйидагича масъулиятли талабларни қўяди: «Табиб, аввало, инсон. У ўз соҳасининг моҳир билимдони ва жонкуяр кишиси, беморларга нисбатан меҳр-шафқатли, ширин муомалали бўлиши лозимлигини уқтириб, табиблик — инсонпарварликдир», дейди.



***Буюк шоир ўз умрини илм-фанга бағишлаган экан, унинг бош мақсади инсонларга ёрдам бериш, мурувват кўрсатиш ва қўлидан келган яхшиликни қилиш сингари фазилатлар билан меҳнат қилди ва бу олий мақсадларига қайсидир маънода эришди, десак хато бўлмайди.***

*Шоҳиста БОЗОРОВА.*

*Эътироф*

# ЖОНКУЯР ИНСОНЛАР ХИЗМАТИДА



Мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда тиббиёт ходимлари ҳам ўзларининг бор куч-имконият ва саъй-ҳаракатларидан келиб чиқиб, тинимсиз меҳнат қилиб келмоқдалар. Президентимизнинг ислоҳотлар — инсон манфаатлари учун хизмат қилиши керак, деган гапида ҳам айнан юқоридаги уйғунликни сезиш мумкин. Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш даражасининг йилдан-йилга ўсаётганлиги, натижада тизимдаги ижтимоий ўзгаришларнинг ижобий томонга қараб ошганлиги ҳеч бир мутахассисни бефарқ қолдирмайди. Хусусан, Андижон Давлат тиббиёт институти клиникасининг 5-терапия бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Мурод Боймирзаев раҳбарлигида муассасада тиббий хизматни юқори савияга кўтариш, эл соғлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор аҳамиятга молик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай тадбирларда ўзининг ташаббускорлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан кўпчиликнинг назарига тушган фидокор инсон, 5-терапия бўлими жонкуяр инсони Эмма Арутюнованинг хизматлари борлигини айтиб ўтиш ўринлидир. У ўз касби ва фаолиятини севганлиги боис, шу соҳани танлаб, илк фаолиятини Жалолқудуқ тумани ва Жанубий Аламушук ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида врач лавозимида иш олиб борди: 1964-1970 йиллар мобайнида биринчи шаҳар шифохонасида врач-ординатор, 1971 йилдан бошлаб, клиника 5-терапиясида ассистент бўлиб хизмат қила бошлади. Ушбу бўлим факультет терапия кафедрасининг базаси ҳисобланиб, у ерда айни кунда кафедра мудири, профессор М. Хўжамбердиев, бўлим мудири М. Боймирзаев, катта ҳамшира М. Узоқова, бўлим бекаси Р. Мирзаевалар фаолият юритишиб, аҳоли саломатлигини янада яхшилашга ва мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Машаққатли меҳнат бор жойда, албатта, масъулият ҳам бўлади. Эмма Арутюнова ўз меҳнат тажрибаси давомида кўпгина шогирдларни тарбиялади. Жумладан, З. Солиева, Т. Қодирова, М. Тоғаева сингари бир-биридан билимдон, чаққон кадрларни етиштириш жонкуяр инсон учун ҳам бахт, ҳам шарафдир. Айниқса, бўлим ходимларининг холисона, беминнат хизматлари туфайли шифо топаётган беморлар қувончини айтмайсизми? Ҳеч бир инсон бу ердан норози бўлиб кетмаганлигини билдирилган миннатдорчилик хатлари орқали ҳам билиш қийин эмас.

Демак, асосий меҳнат бор жойда, ҳеч қачон янгиликлар, ўзгаришлар ортга чекинмайди. Шундай экан, бу ердаги барча меҳнаткаш инсонларга омад тилаган ҳолда, халқ хизматидан асло толманг, азиз шифокорлар, деб қоламиз.

**Жалолиддин ТУРДИЕВ.**
**Андижон вилояти.**

# БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

***Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлауган тантанали маросимдаги маърузасида « ... Ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар бевосита «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларида ишлаётган ҳамширалар, тарбиячи ва шифокорларнинг шу соҳага дахлдор мутахассис ҳамда хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз зарур»лигини таъкидлаб ўтган эди.***

Дарҳақиқат, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва айниқса алоҳида таъкидлаш жоизки, «Мурувват» уйларида чиндан-да фидойи, заҳматкаш инсонлар меҳнат қилишади. Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани марказидаги «Мурувват» уйида ўзгалар парваришига муҳтож ақли заиф ва туғма нуқсонли болалар тарбияланади. Уларга энагалар, тарбиячилар ҳамда техник ходимлар билан бир қаторда ўн нафар ҳамшира ва уч нафар врач хизмат кўрсатади. Жамоага тажрибали ташкилотчи, фидойи инсон Икромжон Буваназаров раҳбарлик қилиб келмоқда. Йил бошида Икромжон ака «Мурувват» уйида фаолият кўрсатаётган ҳамшираларнинг малакасини ошириш мақсадида филиалимиз раҳбариятига мурожаат қилди. Мазкур йилини эътиборга олиб, «Мурувват» уйи ҳамшираларидан бир гуруҳини ўқитишни ўз зиммамизга олиб, керакли шарт-шароитларни яратиб бердик. Шунингдек, яна 12 нафар ҳамширани сайёр циклида ўқитиш режамиз бор.

Юртбошимиз юқорида таъкидлаганидек: «Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор».

**Ш. АТАБАЕВ,**
**Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази Андижон филиали директори.**

# ТАРҒИБОТНИ КУЧАЙТИРИШ МУҲИМ

***2007 йилнинг 30 январь куни Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг мажлислар залида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят ҳамширалар кенгаши томонидан йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда туман, шаҳар, вилоят даволаш-профилактика муассасаларининг бош ҳамширалари, олий маълумотли ҳамширалар, Ғиждувон, Қоракўл ва Пешку тиббиёт коллежи директор муовинлари қатнашдилар.***

Йиғилишда Юртбошимиз томонидан қабул қилинган 524-сонли «Ўрта бўғим ходимларининг касб маҳорати бўйича малакасини ошириш ва уларни қўшимча моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 11 декабрдаги 555-сонли буйруғи ижроси асосида қабул қилинган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2007 йил 11 январдаги 10-сонли буйруғи барча қатнашчиларга ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, вилоят ўрта тиббиёт ходимларининг Ҳомийлар ва шифокорлар йилида олиб борган фаолияти таҳлиллари ўтказилди, йил давомида эришилган ютуқлар, шу билан бирга муаммо ва камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида қилинажак иш ва дастурлар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Вилоятда ҳамширалик иши технологиялари асосида ҳамширалик парваришлари, шунингдек, барча тиббиёт муассасаларимизда «Ҳамширалик жараёни» лойиҳаси асосида ҳамширалик ёзувлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, «Оила ҳамшираси», «Врач олди қабули», «Ҳамшира парвариши» стандартлари лойиҳалари доирасида ҳам кенг кўламли ибратли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Вилоятда бугунги кунда 55 нафар бош ва катта ҳамшираларимизнинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бош ва катта ҳамшираларнинг икки ҳафталик ўқув циклларида қатнашиб, билимларини такомиллаштириб қайтаётганлари ҳам амалда катта ёрдам бермоқда.

Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йилида вилоят тиббиёт муассасалари ва тиббиёт коллежлари ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш, илмий-амалий ўқув-семинарлар ташкил этиш, мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Ғиждувон тиббиёт коллежи директор ўринбосари Н. Ражабов ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Пешку тиббиёт коллежидан А. Хайруллаев, Қоракўл тиббиёт коллежидан Р. Эшонқулова ҳам таклиф ва истакларини билдирдилар. Шунингдек, вилоятда ҳамширалик ишини қўллаб-қувватлаш ва ривожланишида ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон ҳамширалар ассоциациясининг вилоят бўлими томонидан ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

**Маъмура САФОЕВА,**
**Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг Ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

# Фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензияларининг ўз аризалари асосида амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

(Давоми. Боши 6-бетда).

| | | | |
|---|---|---|---|
| 137. | «VERONA FARM-PLYUS» ХКД - Тошкент вил. Янгийўл шаҳ. Тошкент шоҳ кўч. 31-уй. | № 5450 5156-06 26.01.06 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 138. | «ASTRA DOKTOR SERVIS» МЧЖ дори-дармонлар омборхонаси филиали - Фарғона вил. Қўқон шаҳ. Фурқат кўч. 76-уй. | ЛШ (қўшимча) 28/840-02 06.09.04 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 139. | «AIKLAS TUR» ХФД - Тошкент шаҳ. М. Улуғбек тум. «Бекатлар мажмуаси», Буюк Ипак йўли метро станцияси: дорих. Буюк Ипак йўли, 428-уй. | № 3309 2066-03 18.09.03 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 140. | «ОХУ-ФАРМЕД» ХФ дорихонаси - Андижон вил. Андижон шаҳ. Ю. Отабеков кўч. 9-А уй. | № 3545 2404-04 25.03.04 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 141. | «DORI-DARMON» АК «SURXON DORI-DARMON» ШК - 74-, 54-, 66-, 20-, 61-, 79-, 31-сонли дорихона шахобчалари - Сурхондарё вилояти | ЛБ-3431/3223-04 22.07.04 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 142. | «DORI-DARMON GARANT» унитар корхонаси - Тошкент шаҳ. С. Раҳимов тум. М. Мирпўлатов кўч. 1-А уй. | 15.01.01 й. № 2 вақт. рухс. № 1444 2-01 08.01.01 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 143. | «HABIB LOLA» ХКД - Тошкент шаҳ. Яккасарой тум. Д. Кунаева кўч. 6-уй. | № 4198 3750-04 28.07.04 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 144. | «ФЕРСТ ФАРМАСЬЮТИКАЛ ЛИМИТЕД» ШК дори-дармонлар омборхонаси филиали - Андижон вил. Андижон шаҳ. Мангулик кўч. 4-уй. | ЛШ (қўшимча) 2751/2509-04 04.10.04 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 145. | «HUMO FARMA» ХФД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Генерал Узоқов кўч. 2-уй. | ЛШ (қўшимча) 672/1331-02 26.09.02 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 146. | «TARNOV-SERVIS» ХКД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. Қатортол кўч. 37-А уй. | ЛШ (қўшимча) 5354/4798-05 28.06.06 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 147. | Ҳукуматга қарашли бўлмаган «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХХЖ Фарғона бўлими «ASPIRA INVEST» шўъба корхонаси дорихонаси - Фарғона вил. Фарғона шаҳ. А. Қодирий кўч. 83-уй. | № 5351 5058-05 22.11.05 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 148. | «ADIBA-70» ХКД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Ҳамза тум. «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ ҳудуди. | ЛБ-2988/2993-04 17.06.04 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 149. | «ХУМО БАХТ» ХИЧФ дорихонаси ва шахобчаси - Самарқанд вил. Самарқанд шаҳ. Боғдод кўч. 13/75-уй, шахоб. А. Беруний кўч. 35/22. | № 1585 162-01 27.03.01 й. | 15.09.06 й. 13-сон қарор |
| 150. | «Наманган Дори-Дармон» ОАЖ 32-сонли дорихона шахобчаси - Наманган вилояти, Наманган тумани. | ЛБ-3474/3625-04 26.07.04 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 151. | «REAL VITA PHARMA» МЧЖД - Тошкент шаҳри, Уйғур ва Беруний кўчалари кесишган жойида. | № 4267 3819-04 28.07.04 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 152. | «SOF FARM» ХФД - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Марказ-27 даҳ. Беруний кўч. 3-уй. | № 1824 435-01 30.07.01 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 153. | «МЕҲРИГИЁ» ХФД - Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳри деҳқон бозори. | 914-вақт. рухс. № 1958 582-01 18.09.01 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 154. | «БЕРУНИ» ХД - Қорақалпоғистон Респ. Нукус шаҳ. Утегенова кўч. 35-уй. | № У0914 4228-04 30.11.04 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 155. | «ЖИЗЗАХФАРМ» ХИЧФД шахобчаси - Жиззах вил. Жиззах шаҳ. «Жиззахлик» маҳалласи, Ҳамроқул Носиров кўч. 20-уй. | ЛШ (қўшимча) 2548/508-01 25.11.05 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 156. | «DORI-DARMON» АКнинг 2-сонли дорихонаси - Тошкент шаҳ. Юнусобод тум. 18-мавзе, 4-А уй. | ЛБ-2747/2999-04 20.07.06 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 157. | «GUNCHA K.N.» ХФД - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Беруний кўч. 2-уй. | № 4195 3724-04 06.07.04 й. | 05.10.06 й. 14-сон қарор |
| 158. | «SHERHON-SERVIS» ХФД шахобчалари - Тошкент шаҳ. А. Икромов тум. 11-мавзе, 60/32 ва 21-мавзе, 9/50-хонадон. | ЛШ-2569/2699-04 02.06.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 159. | «СЕВАРА» ХД шахобчаси - Жиззах вил. Жиззах шаҳ. Ўратепалик маҳ. Бегариқ кўч. 1-уй. | ЛБ-2283/2245-04 25.03.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 160. | «AZIYA EVRO PLYUS» МЧЖД - Самарқанд вил. Самарқанд шаҳ. Нарпай кўч. 16-уй, 42-хонадон. | № 4979 4657-05 17.05.05 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 161. | «MASHKURA TOJIVOY» ХФД - Тошкент шаҳ. Миробод тум. Кичик Бешёғоч кўч. 204-уй. | № 3181 1931-03 10.07.03 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 162. | «JAMSHID-AG» МЧЖД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Сергели 7-мавзе, савдо растаси. | № 4023/3168-04 13.08.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 163. | «XUSANXON XOJI-FARM» ХФД - Тошкент шаҳ. А. Икромов тум. Чилонзор 21-мавзе, Сегизбоев кўч. 5-уй, 14-хонадон. | № 3510 2669-04 25.03.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 164. | «ОЛИГОВИТ» ХФД - Қарши шаҳ. Пахтазор митти тумани, 47-А уй. | № 3216 1967-03 31.07.03 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 165. | «FERRO FARM» ХФД шахобчаси - Самарқанд шаҳ. Сиёб деҳқон бозори ҳудуди, Имом Ал-Бухорий кўч. 31-А уй. | ЛШ-2159/2154-04 16.09.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 166. | «ДИЛСЕВАР» ХДДСКД - Самарқанд вил. Каттақўрғон шаҳ. А.Темур кўч. 18/4-уй. | № 4061 3570-04 15.06.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 167. | «ZAFAR FARM» ХКД - Тошкент шаҳ. Сергели тум. Сергели 2-мавзе, 45-уй, 13 хонадон. | № 4330 3900-04 17.08.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 168. | «YODOPHARM» МЧЖД - Тошкент шаҳ. Ҳамза тум. Шохсанам кўч. 8-А уй. | № П3400 2137-04 30.08.05 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 169. | «НАМАНГАН ДОРИ-ДАРМОН» ОТАЖ 64-сонли дорихона шахобчаси - Наманган вил. Мингбулоқ тум. Жомашуй шаҳарчаси, Туман марказий поликлиникаси ҳудуди. | ЛБ-3475/3625-04 26.07.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 170. | «ЗИЛОЛ» ХФД - Қашқадарё вил. Китоб тум. Генерал Жўрабек кўч. 70-уй. | 367-сон вақт. рухс. № 1647 227-01 18.04.01 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 171. | «ИХТИЁР-Р.Т.И» ХФД - Сирдарё вил. Янгиер шаҳ. Ховос қўрғони, Яссавий кўч. деҳқон бозори, 1-дўкон. | № 3346 2105-03 29.10.03 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 172. | «Азонлид фарм» ХКД - Тошкент шаҳ. Сергели тум. Сергели 6-34, 23-24-хонадон. | № 4183 3708-04 06.07.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 173. | «Жаҳонгир» ХКД ва шахобчаси - Тошкент вил. Янгийўл шаҳ. Тошкент шоҳ кўч. 54/29. | УП0660 2381-01 25.03.04 й. | 26.10.06 й. 15-сон қарор |
| 174. | «INTER FARM» ХФД шахобчалари - Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. Фарҳод кўч Ц-мавзе, 8-А уй, С. Раҳимов тум. Абдураҳмонова кўч. 65-уй. | ЛБ-371/91-01 03.03.05 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 175. | «QOBILJOON VA ODILJON» ХФД - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Э. Бобохон кўч. 2-ўтар кўча, 1-уй. | № 5442 5148-06 26.01.06 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 176. | «MOZIDIL» ХКД - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. 15-уй. Қодирий кўч. 11-уй. | № 2145 802-02 31.01.02 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 177. | «AYSBERG-FARM» МЧЖД - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Форобий кўч. 32-уй. | № 4453 4065-04 18.10.04 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 178. | «BLUE BIRD» ХФД - Бухоро вил. Бухоро шаҳ. Мустақиллик кўч. 39-уй. Ёпиқ бозор ҳудуди | № 4391 3985-04 27.09.04 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 179. | «ELITE INTERNATIONAL TRADING & CONSULTING» МЧЖ - Тошкент шаҳ. Миробод тум. Чимкент кўч. 1/62. Омб: Чилонзор тум. 6-пр. Усмонов кўч. 71-уй. | 1370-сон вақт. рухс. № 2225 882-02 20.02.02 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 180. | «DORI-DARMON» АК дорихона шахобчалари - Тошкент шаҳ. Ўзбекистон шоҳ кўч. 55-уй: Шайхонтоҳур тум. А. Қодирий кўч. 1-уй, Ўзбекистон шоҳ кўч. 45-уй. | 10.08.05 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 181. | «OZIQA» МЧЖД ва шахобчаси - Тошкент шаҳ. Сергели тум. Сергели 2, Лутфиқор кўч. Сергели тум. Спутник 11, 57-уй. | № УП 1557 2709-04 13.04.2204 й. ЛБ-2604/2709-04 04.05.04 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 182. | «НАМАНГАН ДОРИ-ДАРМОН» ОАЖ 75-сонли дорихона шахобчаси - Поп тум. Хонобод, К. Хотамов кўчаси, 1-уй | № 01-03332 30.10.06 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 183. | «БИБИ-ГУЗАЛ» ХД - Хоразм вил. Урганч шаҳ. Улуғбек кўч. 40-уй. | № 4842 4510-05 06.04.05 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 184. | «ABDUQODIR-66» ХКД ва шахобчаси - Тошкент шаҳ. Юнусобод тум. Зарбулоқ кўч. 35-уй; шахоб.: Юнусобод 3-мавзе, «Юнусобод деҳқон бозори» ҳудуди | № УП 0964 2964-04 13.04.04 й. ЛБ-2921/2964 09.06.04 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |

(Давоми 8-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

# Фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензияларининг ўз аризалари асосида амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

| | | | |
|---|---|---|---|
| 185. | «ADAM COMPANY LIMITED» МЧЖД - Тошкент шаҳ. Ҳамза тум. Паркент кўч. 74-уй. | № УП-3518 4776-05 15.09.06 й. | 15.11.06 й. 16-сон қарор |
| 186. | «QORA-QAMICH DORIXONALARI» МЧЖД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Уйғур кўч. 305-уй. | ЛБ-2627/476-01 11.05.04 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 187. | «САМАРҚАНД ДОРИ-ДАРМОН» ОАЖ 4-25-сонли дорихона шахобчалари - Самарқанд вил. Булунғур тум. Булунғур шаҳ. Мирсалимов кўч. 115-А уй; Самарқанд шаҳ. Муллақандов кўч. 4-уй. | ЛБ-2821/2546-04 01.06.04 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 188. | «МУСО ХОРАЗМИЙ» МЧЖД - Хоразм вил. Хазорасп тум. Хазорасп буюм бозори ҳудуди, 28-29-хона; омбор.: Хазорасп ш/х., Истиқлол ўйингоҳи, 17-18-уй. | № 4016 3493-04 01.06.04 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 189. | «MILIERIL-FARM» МЧЖД - Самарқанд вил. Самарқанд шаҳ. Али Қушчи кўч. 17-В уй. | № 5073 4760-05 28.06.05 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 190. | «DOKTOR AY-BOLIT PLYUS» МЧЖД - Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. 16-мавзе, 17-уй, 1-хонадон. | № П3515 3292-04 15.09.06 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 191. | «КАМОЛАТ САВДО СЕРВИС» МЧЖ - Андижон вил. Андижон шаҳ. Б. Маҳмудий кўч. 39-уй. | № 5389 5095-06 05.01.06 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 192. | «ОТА» ХСФД - Фарғона вил. Қўқон шаҳ. Навоий кўч. 35-А уй. | № У1350 4722-05 08.06.05 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 193. | «INTER FARM» ХФД шахобчаси - Тошкент шаҳ. А. Икромов тум. Чилонзор даҳа, 22-мавзе, 7-уй. | ЛШ (қўшимча) 371/91-01 10.09.04 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 194. | «OMAD-NABIXON OTA» ХКД - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Самарқанд Дарбоза кўч. Жиззах ўтар, 160-уй. | № 4531 4153-04 08.11.04 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 195. | «CELEBRALIZ-FARM» ХФД шахобчаси - Самарқанд вил. Жомбой шаҳ. Ш. Бурхонов кўч. 6-уй. | ЛШ (қўшимча) 667/1338-02 20.08.04 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 196. | «SAVAL» ХФД - Тошкент шаҳ. Миробод тум. Банокатий кўч. 91-уй. | № 3127 1872-03 12.06.03 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 197. | «TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON» ОАЖ 4-сон дорихона шахобчаси - Тошкент шаҳ. С. Раҳимов тум. Г. Каримов кўч. 6-уй. | ЛШ (қўшимча) 2882/2542-04 10.03.05 й. | 06.12.06 й. 17-сон қарор |
| 198. | «МАККАИ САНО»ХКД - Қашқадарё вил. Қарши шаҳ. Ўзбекистон кўч. 355-уй. | № 4366 3947-04 07.09.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 199. | «ЭЛЕКТР НУРИ» МЧЖД - Хоразм вил. Хива шаҳ. Обводная кўч. 6-уй. | № 3052 1789-03 24.04.03 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 200. | «AMG-BRADUS» ХФД - Фарғона вил. Учкўприк тум. Учкўприк қиш. | № 4143 3672-04 06.07.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 201. | «NA'MATAK SHIFO» ХД - Хоразм вил. Урганч шаҳ. Бобожонов 1-тор кўч. 17-уй | № 3332 2091-03 29.10.03 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 202. | «УСМОНХОЖИ» ХФД ва шахобчаси - Фарғона вил. Марғилон шаҳ. Мустақиллик кўч. 319-уй; шахоб.: А. Яссавий кўч. 95-А уй. | № 3658 3014-04 26.04.04 й. ЛБ-3242/3014-04 08.07.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 203. | «МОҲИР САВДОГАР» ИЧХКД - Қарши шаҳ. Ўзбекистон кўч. 11/2-уй. | № 3430 2199-04 04.03.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 204. | «DIL SHOX BEGIM» МЧЖД - Тошкент шаҳ. Юнусобод тум. 17-мавзе, 2-А уй. | № 5635 2341-06 12.05.06 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 205. | «САРДОРБЕК» ХД - Андижон вил. Балиқчи тум. Хўжаобод қиш. Навоий кўч. 4-уй. | № П2935 975-02 31.07.03 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 206. | «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» Д - Андижон вил. Андижон шаҳ. Машраб кўч. 37-уй. | № 5034 4716-05 08.06.05 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 207. | «СИРДАРЁ ДОРИ-ДАРМОН» ШКД 57-дорихонаси, 17-, 22-, 29-, 42-, 44-, 49-шахобчалари | ЛБ-2840/2899-04 13.12.05 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 208. | «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» ХЖ қарашли «ДОРИ-ДАРМОН-24» дорихонаси 1-сон шахобчаси - Бўз тумани, Жалолов ш/х, Ҳамза кўч. 1-уй. | ЛШ (қўшимча) 2706/2558-04 08.10.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 209. | «HUMO TEKSTIL» ЁТАЖ - Тошкент вил. Зангиота тум. Охунбобоев кўч. 44-уй. | № 5691 5397-06 22.06.06 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 210. | «ОСИЁ СТИМУЛ» МЧЖД - Андижон шаҳ. Истиқлол кўч. 34-уй. | № 4323 3893-04 17.08.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 211. | «ОРОМ» ХФД - Наманган вил. Поп тум. Санг қиш. Гузар маҳалласи, Соҳил УЧС. | № 5337 5044-05 22.11.05 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 212. | «NAZOKAT FARM» ХФД - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Беруний кўч. 6-А уй. | № 2975 1684-03 20.02.03 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 213. | «ABDULLA OTA SULOLASI» МЧЖД - Тошкент шаҳ. Сергели тум. 2-16-уй, 1-хонадон. | № 3882 3317-04 13.05.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 214. | «ТОЖИХОН» ХД шахобчаси - Фарғона вил. Олтиариқ тум. Повулгон қиш. Янгийўл кўч. 28-уй. | ЛШ (қўшимча) - 3195/3187-04 18.03.05 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 215. | «SHIFO FARM» ХФД ва шахобчаси - Тошкент шаҳ. С. Раҳимов тум. Соғбон кўч. 2-А уй; шахоб.: Қорақамиш 2/1, 32/46-уй. | № П2841 405-01 10.07.03 й. ЛШ (қўшимча) 1533/405-01 25.02.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 216. | «NUR-FAYZ-SERVIS» ХКД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Миробод тум. 16-уй. | ЛБ-5569/5021-05 04.08.06 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 217. | «BIOTEXNOK» МЧЖД - Тошкент шаҳ. Яккасарой тум. У. Носир кўч. 11-уй, 1-хона. | № УП1593 3197-04 26.04.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 218. | «ФАУЛ ФАРМ» КТХСФ - Жиззах шаҳ. Тошкент кўч. 1-уй, 11-хонадон. | ЛШ (қўшимча) 1608/449-01 14.02.05 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 219. | «САДАФФ» ХФД шахобчаси - Жиззах вил. Жиззах шаҳ. А. Навоий кўч. 4-А уй. | ЛБ 2303/553-01 26.07.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 220. | «ЛАЗИЗБЕК» ККД ва шахобчалари - Сирдарё шаҳ. Темир йўл бекати, Тошкент кўч. 35-уй; шахоб.: Бахт шаҳ. Деҳқон бозори 5-дўкон; Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. 6-мавзе, 42/15-уй; Сирдарё шаҳ. Ўзбекистон кўч. 96-уй. | № П2841 405-01 10.07.03 й. ЛШ (қўшимча) 1533/405-01 25.02.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 221. | «СОДИҚ-238» МЧЖ - Тошкент вил. Зангиота тум. Хонобод кўч. 5-уй. | № УП1628 2568-04 25.03.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 222. | Қашқадарё вилояти «ДОРИ-ДАРМОН» АЖ 2-сон шахобчаси - Қарши шаҳ. Ўзбекистон кўч. 237-уй, 12-хонадон. | ЛШ (қўшимча) 2943/2541-04 12.06.06 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 223. | «SKAS» ХКД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. 8-мавзе, 20-уй, 1-хонадон. | ЛБ (қўшимча) 4662/4229-04 22.09.06 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 224. | «ЖУРАБЕК ОТА» КТХКСИЧКД шахобчаси - Наманган шаҳ. Тўрақўрғон кўч. 189-уй. | ЛБ-3035/3190-04 22.06.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 225. | «SULTON SIROJIDDIN» ХФД ва шахобчаси - Тошкент вил. Бўстонлиқ тум. Ғазалкент қиш. Ибн Сино кўч. 18-уй; шахоб.: А. Темур кўчаси, 15-уй. | № 3432 2201-04 04.03.04 й. ЛБ (қўшимча) 2323/2201-04 21.05.06 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |
| 226. | «SIFAT FARM» МЧЖД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. «Беш-Ёғоч бозори» шахобчаси, 16-сон дўкон. | ЛБ-2422/2474-04 16.04.04 й. | 26.12.06 й. 18-сон қарор |

**(Охири. Боши 6-7-бетларда).**

**Газета муассиси:**
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ**
**Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА**

**Таҳрир ҳайъати раиси: Феруз НАЗИРОВ**
**Таҳрир ҳайъати аъзолари:**
Бобур Алимов, Гавҳар Исломова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббанаев, Рихси Салихўжаева, Намоз Толипов, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060. Тошкент шаҳри. Охунбобоев кўчаси. 30-уй. 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 7910 нусха. Буюртма Г-147.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

**Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.**
**Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 21.50. . 2 3 4 5